



«05» июль 2021-у.

№ 04-04/03-3201 «___»-_____ 2021-ж.

Барча туман (шаҳар) халқ таълими
бўлимлари ва Республика
тасарруфидаги таълим муассасалари
раҳбарларига

ТЕЗКОР ТОПШИРИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 3 июльдаги 02-2165-сонли топшириғи ижросини таъминлаш, шунингдек, июль ойининг биринчи ярмида юртимизга иссиқ ҳаво оқимининг кириб келиши оқибатида худудларда об-ҳаво ҳарорати ўта кескин (45°C ва ундан юқори) кўтарилишини инobatга олиб, бундай фавқулodда вазиятда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, шошилиш тарзда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишингизни сўрайман:

1. Барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг юқорида қайд этилган топшириғига асосан жорий йилнинг 4 июль кунидан бошлаб алоҳида топшириқ бўлгунга қадар доимий навбатчилик йўлга қўйилсин, зарур куч-воситалар ва махсус техникаларнинг тўлиқ шайлигини таъминлаб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгиласин;

-4 июлдан бошлаб бир ҳафта давомида Республикадаги тезкор вазият тўғрисида ҳар 4 соатда, вазият кескин ўзгарган ҳолларда эса зудлик билан Фавқулodда вазиятлар бошқармасига (61 226-96-74; 61 224-70-10) ахборот бериб борилишини йўлга қўйиш;

-оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кенг жалб этган ҳолда, аҳолини ўз саломатлигини асраши учун хушёр бўлишга чақириш, жумладан кескин иссиқ ҳаводан ҳимояланиш, кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш, зарурат бўлмаган ҳолларда уйдан ташқарида юрмаслик, айниқса сурункали касаллиги бўлган, диспансер назоратида турувчи беморлар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар ва кексаларни ҳимоялаш юзасидан кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш;

-аҳоли гавжум жойларда, жумладан бозорлар, сайилгоҳлар, кўнгилочар масканларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вақтинчалик тиббиёт пунктларини ташкил этиш;



-даволаш-профилактика муассасаларида иссиқ ҳаво оқибатида сурункали касалликлари хуруж қилиши мумкин бўлган тоифаларни эътиборга олиб, тегишли койка-ўринлар ва дори воситалари захираларини етарли миқдорда шакллантириш;

-умумий овқатланиш корхоналарида овқатларни тайёрлаш ва сақлаш, бозорларда ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи савдо шохобчаларида маҳсулотларни ташиш ва сақлаш қоидаларига қатъий риоя этиш, аҳолининг бузилган озиқ-овқат маҳсулотларидан оммавий заҳарланишини олдини олиш юзасидан назорат ишларини кучайтириш;

-дарё ва кўллар, аҳоли дам олиш масканларида хавфсизлик масалаларини кучайтириш учун қўшимча куч-воситаларни жалб қилсин;

-ноодатий иссиқ ҳаво натижасида кучли ёмғир ёғиш эҳтимоли ҳам мавжудлигини инобатга олиб, жойларда сел тошқинлари хавфи келиб чиқиши мумкин бўлган ҳудудларда назоратни кучайтирсин;

-ўта муҳим ва тоифаланган объектлар раҳбарлари билан ҳамкорликда технологик жараёнда енгил ёнғувчи ва портлаш хавфи мавжуд маҳсулотлар ишлатадиган корхона ва ташкилотларнинг об-ҳаво кескин исиб кетиши билан боғлиқ шароитларга мослашган ҳолда, фаолиятларини ташкил этсин;

-ёнғинларнинг юзага келиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни кучайтирсин;

-4 июлдан бошлаб бир ҳафта давомида Республикадаги тезкор вазият тўғрисида шахар ва туманлар ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, ташкилотлар ва идоралардан олинган маълумотларни умумлаштириб, **ҳар 4 соатда, вазият кескин ўзгарган ҳолларда эса зудлик билан** вазирликнинг (тел:222-95-20; элек. манзил: mno.rk@exat.uz) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига белгиланган тартибда ахборот бериб бориш;

- лагерь, дам олиш оромгоҳлари ва сихатгоҳларда кескин иссиқ об-ҳаводан ҳимояланиш ва хавфсизлик чораларини кучайтирсин. Бунда кун тартибига қатъий риоя қилиш, очиқ осмон остидаги машғулотларни чеклаш, болаларга кун давомида жисмоний юкломани имкон қадар камайтириш ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш, оромгоҳларда санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига амал қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

-энергетика тармоқлари, жумладан электр энергияси ва табиий газ таъминоти тизимларининг барқарор ишлашини таъминласин;

-барча даражадаги энергетика ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларида туну-кун навбатчиликни йўлга қўйиш, авария ҳолатларини олдини олиш ва тезкор бартараф этиш чоралари кўрилсин.

7. Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан туман ва шахар халқ таълими бўлими бошлиқлари ва Республика тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

Вазир ўринбосари в.в.б  И. Балтабаев